IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL–2 ISSUE–1
https://wordlyknowledge.uz/
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Ўсимликлар дунёсига хавф солувчи омиллар ва уларнинг салбий натижалари

Пардаева Шахринисо Тўраевна

“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси бўлим мудири

Аннотация: Мақолада хозирги кунда ўсимликлар дунёсига хавф солиб келаётган омиллар, натижада ўсимликлар дунёсида эндем ва релект турларнинг кўпайиб бориши тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Ўсимликлар, Қизил китоб, эндем, релект, генофонд, тур, антропоген, иқлим омили.

Атроф муҳитни, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш инсоният учун жуда каттаҳаётий аҳамиятга эга. Кишилар, унинг асрлар давомида ташкил топган табиий манзарасини ўзгартирмоқда, унга салбий таъсир кўрсатмоқда. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бориши ва табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда.Натижада ўсимликларнинг камайиб кетиш хавфи туғилмоқда. Бу эса ўсимликлар дунёсидаги генофонднинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Табиатимиз турли-туман ўсимликлар дунёсига бой ўлкадир. Шундай масканлардан бири Сурхондарё вилояти ҳудуди хисобланади. Бу ҳудуднинг ҳам ўсимликлар дунёси жуда хилма-хил бўлиб, унда тарқалган ўсимликларнинг бир қисмидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиб келинмоқда. Натижада ноёб, эндем турлар камайиб бормоқда. Охирги 30-40 йил давомида инсон фаолиятининг табиатга бўлган салбий таъсири кун сайин кучаймоқда. Бу ҳолат табиий бойликларни камайишига, ўсимлик турларини йўқолишига олиб келмоқда. Натижада табиатга жиддий муҳофазага муҳтож бўлган кўпгина эндем, реликт ноёб турлар Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган. Ўсимликларнинг табиатда камайиб кетишига сабаб, ердан униб чиқаётган ва ёш ўсимликларнинг табиатда камлиги, унинг секинлик билан кўпайиши ва турлараро рақобатчиликка унча бардош бера олмаслигидир. Бундан ташқари чорва молларининг боқилиши ҳамда уларга ем-хашак учун ўрилиши ва ўрмонларнинг кесилиши, қишлоқ хўжалиги учун ерларнинг ўзлаштирилиши ўсимликларнинг табиатда камайиб кетишига сабаб бўлмоқда[1].

Табиатда камайиб бораётган камёб, эндем турларни табиатда сақлаб қолиш мақсадида 1984, 1998, 2006 йилларда нашр этилган Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби”га киритилган ва давлатимизнинг жуда кўп қарорлари чиқарилган. Сурхондарё вилояти табиий географик нуқтаи-назардан Сурхондарё округини тўлалигича, Хисор-Зарафшон округи ва Боботоғ округлари ҳудудларини маълум майдонларини ўз ичига олган жуда бой ўсимликлар олами ҳамда турли-туман ҳайвонот дунёсига эга бўлган вилоятлардан саналади. Вилоят биологикқатламларини тузилиши жиҳатидан ҳам бир қанча даврларни ўзида мужассамлаштирган. Баланд тоғ ҳудудларида асосан мезазой ва кайназой ётқизиқлари учрайди. Боботоғ округи ҳудудларида эса тур полеоген ва неоген даври ётқизиқлари ривожланган. Сурхондарё округи майдонлари асосан

[1] *Холмуратов М., Маманазаров Р., Чориев А. Сурхондарё вилояти ҳудудидаги айрим камёб эндем ўсимликлар. // Ўзбекистоннинг хомашёбоп ўсимликлари, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг устивор масалалари: I-Респ. илмий-амалий анжумани–Термиз, 2003. –Б. 65-66.*

неоген ва антропоген даврнинг қалин аллювиал ва пролювиал ётқизиқлари билан тўлган[2].

Бундай ҳолат яъни турли давр ётқизиқларини вилоят ҳудудида мавжудлиги ҳамда бир қанча қулай иқлим шароитлари бу ҳудудда жуда кўплаб ўсимлик турларининг ривожланишига имкон яратиб берган. Сурхондарё вилояти ўсимликлари турларининг сонига кўра ва ўз ҳудудида кўплаб реликт, эндем ўсимликларининг мавжудлиги борасида республикамизда юқори ўринда туради[3].

Кейинги йилларда иқлим омилларининг кескин ўзгариши ўсимлик ресурсларидан инсонларининг пала-партиш ва мақсадсиз фойдаланиши оқибатида жуда кўплаб ўсимлик турлари кескин камайиб, ҳатто йўқ бўлиб кетиш хавфи сезилмоқда. Ўсимликларнинг камёб ва йуқолиб бораётган турларини сақлаб қолиш мақсадида яратилган Ўзбекистон республикаси “Қизил китоби” нинг 1984 йилги нашрида 163 та ўсимлик турлари киритилган бўлиб, уларнинг 73 тури, кейинги 1998 йилги нашрида эса 301 тур ўсимликларнинг 130 тури Сурходарё ҳудудида тарқалган[4]. Вилоят ҳудуди бўйлаб қилинган изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, барча ўсимликларнинг камайиб кетиши: а) иқлим омиллари ва ўсимлик ўсиб ривожланаётган жойнинг тупроқ таркиби, б) ҳайвонот дунёси томонидан зарарланиши ва энг асосийси, в) антропоген омилларнинг таъсиридир.

кейинги 1998 йилги нашрида эса 301 тур ўсимликларнинг 130 тури Сурходарё ҳудудида тарқалган[5]. Вилоят ҳудуди бўйлаб қилинган изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, барча ўсимликларнинг камайиб кетиши: а) иқлим омиллари ва ўсимлик ўсиб ривожланаётган жойнинг тупроқ таркиби, б) ҳайвонот дунёси томонидан зарарланиши ва энг асосийси, в) антропоген омилларнинг таъсиридир. Дастлабки икки омилни бошқариш ва ўзгартириш қийин масала лекин антропоген омилнинг таъсирини камайтириш мумкин. Халқ табобатида ўсимликларнинг ер устки қисми дамламаси бронхит ва бошқа юқори нафас йўлларида балғам кўчирувчи, ўт ҳайдовчи, пешоб ҳайдовчи, юмшоқ ич юргизувчи восита сифатида қўлланилади. Баъзан илдизини чой каби дамлаб ичиш ошқозон-ичак, тери, тери-таносил, жигар, бўйраклар ва модда алмашинувининг бузилишида яхши самара бериши адабиётларда келтирилган. Шундай ўсимликлардан бири качимсимон беҳ (*Allochruza gypsophiloides* (Regel) Schischk) хисобланади[6]. Качимсимон аллохруза қурғоқчиликка чидамли ўсимлик, шунинг учун ҳам қишқи намлик ва паст ҳарорат унинг яшаб қолишига тўсқинлик қилади. Ушбу ўсимликнинг саноат миқёсида плантациялари ташкил этилиши ва ундан ташқари аллахрузанинг табиий ўсадиган жойларида буюртмахоналар ташкил

---

[2] *Маткаримова А., Худойберганов Х.М. Оқсоқ-ота дарё ҳавзасининг Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимликлари // Ботаника,биоэкология, ўсимликар физиологияси ва биокимёси: Респ. илмий-амалий анжумани– Тошкент, 2011. –Б. 76-77.*

[3] *Пратов У.П. О красной книге республики Узбекистан // Ботаника, экология, охрана растений: Мат. межд. научно-практической конф. – Андижан, 2007. –Б. 113-114.*

[4] *Хасанов,Ф. О. Эндемичные растенияюго-западных отрогов Гиссарскогохребта//Узб.биол.журн., 1991, N. 2, С. 41-45*
Хасанов Ф.О., Мальцев И.И. Новый родKamelinia (Apiaceae) из Средней Азии. Узб.Биол.журн., 1992, N. 2, p. 49-53

5. Тайжанов К. Алколоидоносная флорагорной Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт.биол. наук. Ташкент.1994. 50 с.

[6] *Ф.О., Мальцев И.И. Новый родKamelinia (Apiaceae) из Средней Азии. Узб.Биол.журн., 1992, N. 2, p. 49-53*
Хасанов Ф.О., Мальцев И.И. Новый видрода Silene L. из Кугитанга. Узб. биол. журн.,1991, N. 3, С.66-67.

этилишини ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири деб хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Холмуратов М., Маманазаров Р., Чориев А. Сурхондарё вилояти ҳудудидаги айрим камёб эндем ўсимликлар. // Ўзбекистоннинг хомашёбоп ўсимликлари, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг устивор масалалари: I-Респ. илмий-амалий анжумани–Термиз, 2003. –Б. 65-66.

2. Маткаримова А., Худойберганов Х.М. Оқсоқ-ота дарё ҳавзасининг Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимликлари // Ботаника,биоэкология, ўсимликар физиологияси ва биокимёси: Респ. илмий-амалий анжумани–Тошкент, 2011. –Б. 76-77.

3. Пратов У.П. О красной книге республики Узбекистан // Ботаника, экология, охрана растений: Мат. межд. научно-практической конф. – Андижан, 2007. –Б. 113-114.

4. Мухаммаджонова Р., Отамуродова Н. Камёб эндем ўсимликлар. // Ўзбекистоннинг хомашёбоп ўсимликлари, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг устивор масалалари: I-Респ. илмий-амалий анжумани–Термиз, 2003. –Б. 20-21.

5.Хасанов,Ф. О. Эндемичные растенияюго-западных отрогов Гиссарскогохребта//Узб.биол.журн., 1991, N. 2, С. 41-45

6.Хасанов Ф.О., Мальцев И.И. Новый родKamelinia (Apiaceae) из Средней Азии. Узб.Биол.журн., 1992, N. 2, p. 49-53.

7.Хасанов Ф.О., Мальцев И.И. Новый видрода Silene L. из Кугитанга. Узб. биол. журн.,1991, N. 3, С.66-67

8. Тайжанов К. Алколоидоносная флорагорной Средней Азии. Автореф. дисс. … докт.биол. наук. Ташкент.1994. 50 с.